



## Religious views of the Kushan period of northwestern Bactria

Humoyun NAZAROV<sup>1</sup>

National University of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received February 2021  
Received in revised form  
28 February 2022  
Accepted 20 March 2022  
Available online  
15 April 2022

**Keywords:**

Kushan kingdom, religion,  
cult, gods,  
Zoroastrianism,  
Kadfiz,  
Kanishka,  
Ahura Mazda,  
culture,  
art.

### ABSTRACT

This article is devoted to the religions and cults of the Kushan Kingdom.

The study of the Kushan Supreme gods is complicated by the complex religious picture in the Kushan state, where there were different religions and cults. The article deals with artifacts found during archaeological excavations: architectural decoration, sculpture, including terracotta statuettes, paintings. The article also notes the connection of Kushan art with religious cults.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp298-307>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Шимоли-ғарбий Бақтриянинг кушонлар даври диний қарашлари

**Калит сўзлар:**

Кушон подшолиги,  
эътикод,  
культ,  
худолар,  
зврдустийлик,  
Кадфиз,  
Канишка,  
Ахура Мазда,  
маданият,  
санъат

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Кушон подшолигининг динлари ва культларига бағишланган. Кушонлар даври худоларини тўлиқ ўрганишга Кушонлар давлатида мавжуд бўлган турли динлар ва культларнинг ўзаро алоқалари натижа-сида вужудга келган мураккаб умумий ҳолат халақит беради. Мақолада археологик қазилмалар жараёнида тўпланган буюмлар: меъморий безак ва ҳайкалтарошлик намуналари, шу жумладан, терракота ҳайкалчалари, тасвирий санъат намуналари ўрганиб чиқилган. Мақолада кушонлар даври санъатининг дин ва культлар билан узвий алоқалари ҳам қайд етилган.

<sup>1</sup> Doctoral student National University of Uzbekistan. E-mail: [Nazarov\\_humoyun@mail.ru](mailto:Nazarov_humoyun@mail.ru).

## Религиозные взгляды кушанского периода северо-западной Бактрии

### АННОТАЦИЯ

#### **Ключевые слова:**

Кушанское царство,  
религия,  
культ,  
боги,  
зороастризм,  
Кадфиз,  
Канишка,  
Ахура Мазда,  
культура,  
искусства.

Данная статья посвящена религиям и культам Кушанского царства.

Изучение Кушанских верховных богов затруднено сложной религиозной картиной в Кушанском государстве, где существовали разные религии и культы. В статье рассмотрены артефакты, найденные при археологических раскопках: архитектурный декор, скульптура, в том числе терракотовые статуэтки, живопись. Также в статье отмечается связь кушанского искусства с религиозными культурами.

### ДОЛЗАРБЛИГИ

Кушонларнинг қадимги ҳукмдорлари содир бўлаётган барча ҳодисаларни қандайдир ғайритабиий куч, олий худолар иродасининг намоён бўлиши билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Шундай қилиб, инсон, жамият ва давлат жараёнларини тушунтириб берадиган турли хил афсоналар аста-секин пайдо бўлди. Кушон халқининг ўз худолари, қаҳрамонлари, антиқаҳрамонлари бўлган. Кушонлар давридаги диний эътиқодлар сезиларли хилма-хиллиги ва олий худоларнинг мураккаб таснифи билан ажралиб турарди.

ЮНЕСКО дастурига кўра, 1967 йилдан бошлаб Марказий Осиё халқлари маданиятини тизимли ўрганиш амалга оширилиб, бунда кушонлар муаммолари (давлатчилик, маданият, санъат, дин ва бошқалар) муҳим ўринни эгаллайди. Кушонлар империяси Ҳиндистон, Афғонистон Ўзбекистон ва Тожикистон заминларида пайдо бўлган ва қадимги дунёнинг энг йирик давлатларидан бири. Бугунги кунда Кушонлар даври маданияти мавзусида олиб борилган тадқиқотларни умумлаштириб таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

### МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Ушбу мақолани ёзишда лингвистик таҳлил, тарихий-тизимли ва қиёсий-комплекс тадқиқ этиш усулларида ҳамда диалектик маълумотларни синтез қилиш усулидан фойдаланилган.

Шунингдек, ушбу мақолани ёзишда академикнинг таниқли маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарларидан фойдаланилди Э.В. Ртвеладзе (2019), Ҳ. Лүдерс (1961), Г.А. Пугаченкова (1966), Ҳ. Ҳарматта (1966, 1987), А. Суннингхам (1971), Г. Гноли (1980), И. М. Стеблин-Каменский (1981), Р.Гёбл (1983), Б.А. Литвинский (1984), В.А. Седов (1984), Ф. Гренет (1984, 1987), Дж. Илясов (1991–1992), Т. Мкртичев (1991–1992) ва бошқалар.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қадимги дунёнинг бошқа барча ҳудудларидаги каби Шимоли-Ғарбий Бактрияда антик даврда халқларининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида диний қарашлар муҳим ўрин тутган.

Шимолий Бақтриянинг кўчиб келган юечжи қабиласи аҳолиси орасида азалий аждодлар руҳига сиғиниш диний эътиқоди ҳукмронлик қилиб, маҳаллий ҳудудда сулолавий култ сифатида қадрланган. Аждодлар руҳига сиғиниш култи илк Кушон ҳукмдорлари ҳисобланган Герай ва Сотер Мегас тангаларининг орқа томонида акс эттирилган отлиқ ҳукмдор ва терракотик ҳайкалчаларда ўзининг аксини топган [1].

Илм-фанга маълум бўлган маълумотлар буддизм анъаналари билан етказилади, кейинги адабиётларда ўз аксини топади. Кушонлар давлатидаги буддизм ҳақидаги илк маълумотлар III аср ўрталарига оид “Вейлио” очерки матнинг қисқа парчаларида сақланиб қолган. Улардан бирида айтилишича, хитойликлар буддист матнлари билан биринчи марта милоддан аввалги II йилда танишган. Милоддан аввалги – ёки суверен да-юезжининг элчилари ёки отаси номидан Хитой элчиларини қабул қилган унинг меросхўри. Бу парчанинг у ёки бу талқинидан қатъи назар, “Вейлио”да хитойликларнинг буддизм билан танишиши, албатта, кушонлар, аниқроғи, уларнинг Бақтрия ерларида ўрнашиб қолган аждодлари билан боғлиқ бўлган.

Буддизм, яъни буддавийлик атамаси XIX асрда европалик олимлар томонидан илмий муомалага киритилган. Буддавийлик мил. авв. V-IV асрларда қадимги Ҳиндистонда пайдо бўлган диний таълимот. Мил. авв. III асрда Ҳиндистон ҳукмдори Ашока даврида Паталипутра шаҳрида III буддавийлик йиғини чақириб, буддавийлик таълимотини қадимги қўшни ҳудудларда тарғиб қилишга қарор қилинади. Бунинг натижасида, буддавийлик жаҳон динларидан бирига айланади. Т.К. Мкртычевнинг фикрига қараганда буддавийлик динининг тарқалиши, асосан, ғарбий ва шарқий йўналишларда олиб борилган [2]. Ғарбий йўналишда Ўрта Осиё ҳудудларига тарқалади. Ушбу таълимот издошлари таълимотни “Дҳарма” (“Қонун, таълимот”) ёки “Буддҳадҳарма” (“Будда таълимоти”) деб аташган.

Гаутама Сиддхатҳа Будданинг вафотидан сўнг унинг издошлари ўртасида ажралиш рўй бериб, иккита йўналиш вужудга келган [3]. Биринчи йўналиш бу-Ҳинаяна (кичик ғилдирак ёки нажотнинг тор йўли) бўлиб, унда буддавийлик таълимотидаги анъанавий қарашларга қатъий амал қилинган. Иккинчи йўналиш бу-Махаяна (катта ғилдирак ёки нажотнинг кенг йўли) бўлиб, унда Будда таълимоти кенг ислоҳ қилинган, Буддага илоҳий тус берилиб, диннинг маросим ва ибодатлари жорий этилган [4]. Ҳинаяна йўналишида Будда кўплаб туғилишлар натижасида турли кўринишда бўлган ва маърифатга эришган шахс сифатида талқин этилса, Махаяна йўналишида эса Бодҳисатвалар сиймоси илгари сурилади. Бодҳисатвалар маърифатга эришган осмон мавжудотлари бўлиб, улар инсонларнинг маърифатга эришишида ёрдам берадилар.

Б.А. Литвинскийнинг фикрига кўра, буддавийлик таълимотининг Ўрта Осиёга кириб келиши Кушон давлатининг шаклланиши арафасида ёки давомида содир бўлган [5]. Б.Я. Ставиский Термиз шаҳри яқинидаги диний иншоотларни ўрганиш натижаларига асосланиб, буддавийликнинг Шимолий Бақтрия ерларига кириб келишини Канишка даври билан боғлайди [6]. Т.К. Мкртычевнинг фикрига қараганда, Шимолий Бақтрияда буддавийлик таълимотининг пайдо бўлиши ва диний иншоотларининг кенг кўламда барпо этилиши мил. I асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган. Ш.Р. Пидаев эса Бақтрия аҳолисининг буддавийлик таълимоти билан илк мартаба мил. авв. I асрда танишиб, Кушон подшолиги шаклланиши даврида буддавий даъватчиларининг йирик тарғибот марказлари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди [7]. Э.В. Ртвеладзе Юнон-Бақтрия ҳукмдори

Агафоклнинг (мил. авв. 185-170 йй.) орқа томонида ступа тасвирини тушириб зарб қилинган тангаларга асосланиб, Ўрта Осиё халқларининг буддавийлик таълимоти билан танишиши мил. авв. II асрда таниш бўлган, деб ҳисоблайди [8].

Кушон даври археологияси ва тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчи мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган илмий қарашлардан хулоса қилиб, Шимоли-ғарбий Бақтрия ерларига буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши Канишка ҳукмронлиги давридан аввалроқ бошланган. Буддавийлик дастлаб Гандҳардан (Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон, ҳозирги Покистон худуди) Нагахара вилояти ва Ҳиндиқуш тоғларилари орқали Бақтрия жанубига (Шимолий Афғонистон) тарқалган. Жанубий Бақтриядаги Сурхкотал ва Дилбержин манзилгоҳларида ўрганилган буддавийлик дини иншоотлари тадқиқотчи мутахассислар томонидан мил. авв. II аср билан саналанган. Фаёзтепа ёдгорлиги ўрнида фаолият юритган монастрдан топилган моддий ашёлар, хусусан, нумизматик материалларни тадқиқотчилар мил. авв. I асрнинг охири-I асрнинг бошлари билан саналаган [9] Мил. авв. II асрда юечжилар Юнон-Бақтрия давлати худудлари эгалланган даврда Эски Термиз ўрнида йирик шаҳар маркази фаолият юритган [10]. Ж.Т. Аннаевнинг фикрига кўра, милонинг бошларида буддавийлик монастири Фаёзтепа барпо этилиб, Шимолий Бақтрия ерларида буддавийлик таълимоти мастаҳкамланган.

Маълумки, Кушоншоҳ Кадфиз милоний 78 йилда Панжоб вилоятида ўтказган буддавий динининг умумжаҳон йиғилишида Махаяма (ҳамма учун бирдек улуғ йўл) йўналишини тарғиб қилиб, мамлакат худудида буддавийликни давлат дини сифатида қабул қилган.

Кушоншоҳдар эътиқод эркинлигини жорий этган бўлсалар-да, буддавийликни кенгроқ ёйиш ва уни ривожлантириш учун давла худудида жойлашган турли шаҳарларда ибодатхона, монастр ва ступалар барпо этиб, буддавийлик дининг муқаддас китобларини («Трипитака») кўпайтириш, уларни ўрганиш, таржима қилиш ва изоҳлаш, янги тафсирлар ёзиш каби диний-фалсафий тафаккур ривожини учун шароит яратиш беришди. Бундай сиёсат натижасида Шимоли-Ғарбий Бақтриянинг йирик шаҳарлари буддавийлик дини марказига айланади. Айниқса, Тармита шаҳри буддавийлик дини марказ сифатидаги аҳамияти ниҳоятда ўсади.

Канишка даврида (мил. II асрнинг биринчи ярми) Шимоли-Ғарбий Бақтрия шаҳарлари, асосан, Қадимги Термиз буддавийлик Ўрта Осиёдаги мафкуравий диний-мафкуравий марказларидан бирига айланган. Кейинчалик Бу ердан Суғд, Марғиёна, Шарқий Туркистон, Хитой ва Тибет тарқалган [11].

Кушонлар даврида будда динининг равнақига бақтриялик роҳиблар ҳам жуда катта ҳисса кўшадилар. Хитой, Тибет манбаларида буддавийлик дини тарғиботчилари қаторида тармиталик Дхармамитара ва тохаристонлик Гхошакаларнинг номлари ҳам қайд қилинган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан асримиз бошларига қадар Эски Термизнинг ғарби томонида жойлашган Қоратепа манзилгоҳида харобаларида кенг кўламли археологик қазиш ишлари олиб борилиб, ер ости ва ер усти қисмлардан ташкил топган буддавийлик ибодатхонасининг қолдиқлари очиб ўрганилган.

Қоратепа ибодатхона мажмуаси бир нечта тепаликлардан (тепаликлар шартли равишда жанубий, шимолий, ғарбий қисмлар) ташкил топиб, уларда ҳар бирида Ибодатхона мажмуасининг маълум қисмлар қазиб ўрганилган. Мажмуа-

нинг жанубий қисмида аниқланган ғорсимон иншоотлар буддавийликнинг ватанидаги каби усулда ер остида қурилган. Улар кейинги ўрта асрлар даврида ҳам ислом дини мусулмонлари “чиллахона” сифатида фойдаланилган [12]. Мажмуанинг шимолий қисмида катта ва кичик ступаларга эга бўлган. Ҳовли ҳамда ички ҳовли ва унинг атрофи бўйлаб равоқли хоналардан ташкил топган туташ иморатлар жойлашган. Бу ерда, шунингдек, монастыр қисми бўлган. шимолий, жанубий ва шарқий қисмларида ступалар ўрин олган иншоотлар мажмуалар аниқланди [13]. Қоратепа буддавийлик мажмуаси ер ости ғорлар ва ер усти хоналардан иборат бўлиб, улар ибодат, яшаш (келье) ва хўжалик қисмларидан ташкил топган. Ибодат учун мўлжалланган хоналари, одатда, деворий суръатлар, ҳайкалчалар билан безатилган.

Қоратепа ибодатхонасидан шимоли-шарқий томонида Фаёзтепа номи билан юритиладиган ёдгорлик ўрнида жойлашган бошқа бир буддавийлик иншооти ўрганилган. Унинг томонлари 118,40x53,00-54,00 метрдан иборат бўлиб, мил. авв. I асрнинг охири ва мил. I асрнинг биринчи чорагида ёки 30-йилларида фаолият юритган ибодатхона ўрнида қурилган. Буддавийлик динининг вихара турига тегишли бўлган ушбу диний мажмуа икки қисмдан иборат бўлиб, улардан бирининг ўртасида йирик ступа ва унинг атрофида кичик ступалар ўрин олган. Тадқиқотчилар мажмуанинг кириш дарвозаси ён томонида устунли ёғоч эшиклар ўрнатилган “Науа Vihara”, яъни “отли монастыр” деб, битилган ёзувга асосланиб, тадқиқотчилар Фаёзтепа вихара туридаги монастыр бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Кўҳна Термизда кушонлар даврига оид Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналаридан ташқари Зурмола Айритом каби ступалар жойлашган. Айритом манзилгоҳидан аниқланган ступада ҳинд ёзувида битилган матнда Шодийа исмли шахснинг номи келтирилган [14]. Э.В. Ртвеладзенинг фикри бўйича, у Кушоншоҳ Хувишканинг буйруғи билан Айритомда қурилиш ишларини олиб борган бўлиб, марказий ҳокимиятга бўйсунган Шимолий Бақтриядаги маъмурий бўлинманинг ноиби бўлиши мумкин.

Тармита ва унинг атрофида Кушон подшолиги даврида буддавийлик таълимотининг Маҳаяна йўналишига мансуб маҳасангҳика мактаби вакиллари фаолият олиб боришган. Мазкур диний йўналиш намоёндалари буддавийликка бодҳисатвалар, яъни шаҳзода Гаутама Сидхартха Будданинг ёшлиги сиймосини ва буддавийлик диний эътиқодида ступага сиғинишини одатини жорий қилган.

Кушонлар даврида вужудга келган Зартепа манзилгоҳидан ҳам буддавийлик ибодатхонасининг ўрни очилган. Бу шаҳардаги ибодатхона ҳам бошқа шаҳарлардаги каби қурилиш усулида қурилган бўлиб, ҳовлисида ступа ўрин олган. Ибодатхонанинг алоҳида хоналарида буддавийлик санъатининг бой намуналари билан безатилган Шимоли-Ғарбий Бақтриянинг Далварзинтепа, Зартепа ва бошқа шаҳарларида ҳам буддавийлик дини ибодатхоналарининг ўрни очилган. Айниқса, Далварзинтепанинг шаҳристон қисмида асосий ва шаҳар дарвозасидан ташқарида иккинчи буддавийлик ибодатхонаси жойлашган. Шаҳар аҳолиси орасида буддавийлик динига эътиқод қилувчилар сонининг кўпайиб бориши натижасида кўшимча ибодатхонага эҳтиёж туғилиб, шаҳар ташқарисидаги иккинчи ибодатхонага вужудга келган.

Далварзинтепа ва Зартепа ўрнида фаолият юритган шаҳарларда жойлашган буддавийлик ибодатхоналари айрим қурилиш усуллар Эски Термиз ибодатхона-



ларидан фарқ қилади. Ушбу шаҳарларнинг ибодатхоналари фақат ер усти қисмдан ташкил топиб, ер ости ғор қисми мавжуд эмас. Шунингдек, уларда фақат битта асосий ступа жойлашган бўлиб, қўшимча кичик ступалар аниқланмаган.

Зартепа манзилгоҳининг шаҳристон қисмида жойлашган ўрганилган буддавийлик ибодатхонасини тадқиқотчи милодий III-IV асрлар билан саналанган. Маълумки, бу даврда Шимолий Бақтрия худудида сосонийлар ҳукмронлик қилиб, уларнинг ҳукмронлиги даврида диний эътиқоди

Ступалар буддавийлик дини ибодатхоналарининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган. Ступа санскритча атама бўлиб, турли хил маъноларда изоҳланади. Ступа, асосан, коинотнинг мужассама сифатида талқин этилади. Ступалар дастлаб Шимолий Ҳиндистонда буддавийлик динининг асосчиси будда Гаутама хоки устида барпо қилинган. Шимоли-ғарбий Бақтриянинг Кушон подшолиги даврига оид Қоратепа ва Фаёзтепадаги ибодатхона мажмуаларида жойлашган катта-кичик ступалар, Зўрмола ва Айритом ступалари ибодатхонанинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган. Илк ступаларнинг тарҳи юмалоқ шаклда бўлиб, устидан цилиндр шаклли гумбаз қурилган. Гумбаз устида ёғоч қурилма (дҳармика) жойлашган бўлиб, унга соябон-чатра ўрнатилган. Фаёзтепа ва Қоратепа ёдгорликларида қазилган ишларини олиб борган тадқиқотчилар илк ступаларнинг ўрнини аниқлаганлар. Г.А. Пугаченкованинг фикрига қараганда, маҳобатли Зўрмола ступаси *паринирвана* рамзини ифодалайди. Буддавийлик дини таълимотида паринирвана нирвананинг якуний босқичи ҳисобланиб, унинг асосида инсон маърифатга ёруғ дунёни жисмонан тарк этганидан сўнг тўлиқ эришади, деган тушунча ётади. Ступаларнинг атрофида қуёш йўналиши бўйлаб айланиш диний маросим ўтказилган ва бу диний маросим прадакшина-патҳа, деб аталган. Буддавийлик эътиқодига кўра, ступалар зиёратчиларни ёзуз руҳлар томонидан етказилган салбий иллатлардан халос бўлиши ва эзгу-ниятларнинг ижобат бўлишига ёрдам беради, деган тушунча ётган

Кушоншоҳ ҳукмдорлари Канишка ва Хувишка тангаларида кўпроқ қуёш худоси Митра (Авестода, кейинчалик Сўғда ҳам шартнома худоси), ой худоси Мах, шамол худоси Вадо, олов худоси Атшо тасвирланган. “Авесто”да тилга олинган бошқа худолардан бу тангалар шуҳрат ва зодагонлик худоси Фаррони ҳам ифодалайди; Ардоҳшо ва Вахшу каби худолари, қанотли аёл шакли акс эттирилган ғалаба маъбудаси Хванинда иконографик жиҳатдан Ника билан бевосита боғланган ёки у билан бирлиб кетган. Шаҳревар, шоҳ ҳокимияти ва металлар маъбуди, Лрувасп (“Авесто”да Дрвасп) чорва молларининг қўриқчиси ҳисобланган.

Фарро Кушон мифологиясида олов, роҳат-фароғат, мувоффақият, шон-шараф ва донолик маъбуди қабиланинг бағрида ёки қўлда олов кўтариб турган эркак киши сифатида тасвирланган. Кушан диний пантеонида асосий маъбудлардан бири саналган. Илдизи Қадимги Эронга бориб тақалувчи субҳидамда нур таратаётган қуёш маъбуди кўринишини акс эттирган Хварна бориб тақалувчи Фарн билан бир хил. Тадқиқотчи олимларнинг Кушон даври Фарро маъбудаси буддавийликда “Кубера Вайшравна” номини олган бир кўзли бойлик маъбуди Кубера сиймоси билан чамбарчас боғланган.

Фарро маъбудининг номи Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси ва Далварзинтепа манзилгоҳларидан топилган ёзувларда учрайди. Фарро кушонлар давригача маҳаллий орасида маълум бўлган бўлса-да, Кушон ҳукмдорлари Канишка ва Хувишкалар ўзларининг тангаларида ушбу маъбудни акс эттирганлар. Фаёзтепа ибодатхона мажмуаси милодий I-III асрлар билан саналанган.

Далварзинтепа манзилгоҳи Фарро тасвири акс эттирилган артефакт топилган маданий қатлам Кушон давлатининг ривожланган ва инқирозга учраган даврлари, яъни III-IV асрларга тўғри келади.

Фарро билан биргаликда Ардохша маъбудаси акс эттирилган бўлиб, тадқиқотчилар унинг турмуш ўртоғи бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Хувишка номи билан II асрда зарб қилинган олтин (оғирлиги 8,01 г) тангаларнинг олд томонида бош кийими билан чап томонга қараган ҳолатда тасвирланган ҳукмдорнинг бюсти. Қўлларида найза ва скипетр ўшлаб турибди. Орқа томонида эса қўлини чўзганча олов ушлаб турган найзадор Фарро тасвирланган. Маъбуддан чапда ҳукмдор Хувишканинг тамғаси, ўнгда эса бақтр тилида битилга Фарро номи жойлашган.

Далверзинтепадан манзилгоҳидан топилган ҳайкалда Г.А. Пугаченкова ўзининг тўлиқ исботини топмаган бўлса-да, Ардохшо худосининг тасвири деб ҳисоблайди.

Қадимги шарқда, хусусан, Ўрта Осиё халқларида афсоналарида Ардвиги-Сура-Анахита (Нахита) сув ва ҳосилдорлик маъбудаси сифатида акс этган. Зароастризмда Язат маъбудиди. “Авесто”да Ардвисурага алоҳида гимн-Яшт V-Ардвисур-Яшт ёки Абан-Яшт.

Дастлаб Ардвиги дунёнинг илоҳи подшолигидаги Хукария тоғи чўққиларидан оқиб тушадиган дунё сувлари манбаси сифатида тушунилиб, кейинчалик ер юзидаги барча сувлар ва дарёлар бош олган сувнинг ўзи шу ном билан атала бошланган. Ардвисура Анахита Ахурамазданинг қизи, деб эълон қилинган. Ундан қурбонлик келтириш, машҳур Эрон ва Турон баҳодирлари каби куч ва қудрат бағишлаш сўралган.

Анахита-яратувчи оллоҳ олдида сувлар учун жавоб берувчи “фаришта”, шунингдек, Абан Яштда келтирилишича, Ахура Мазда буруғи билан юлдузлардан ерга тушган афсонавий дарёлардан бирининг номи ҳисобланган.

Аҳамонийлар даври ёзувларига қараганда Анахита зардуштийликнинг асосий Изедлардан бири ҳисобланган. Изедлар сувларни сақловчи ва мўлкўлчилик, бойлик ва куч-қудрат ато этувчи, умуман, ўз ҳаётини тозалик ва донишмандлик асосида ташкил этуви сифатида намоён бўлган. Изедларнинг бошқа бир вазифаси авлодларни ҳимоя қилиш ва кўплаб болаларнинг туғилишига ёрдам беришдан иборат бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, Анахитанинг вазифаларидан бири эркакларнинг оталик уруғини ва аёлларнинг тухумдонини тозалашдан иборат бўлган. Шунингдек, Анахита аёлларнинг туғилишига ёрдам беради, деб ҳисобланган.

Шимолий Бақтриянинг кушонлар даври диний эътиқодларида оловнинг ўрни муҳим ўрин тутган. Кушоншоҳларнинг танга пулларида оловнинг тез-тез учраши оловнинг кушонлар ижтимоий ва диний ҳаётидаги муҳим аҳамиятидан дарак беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, Канишка ва Хувишка тангаларининг орқа томонида антропоморфик кўринишга эга бўлган худолар ҳам тасвирланган, уларнинг сиғиниши у ёки бу тарзда оловга сиғиниш билан боғлиқ - Митра, Атшо, Фарро ва биттасида Канишка тангалари ҳам Ҳелиос (Митрадан фақат номи ёзилган ёзув билан фарқ қилади). Келажакда бу худоларнинг катта ҳайкаллари бўлган маъбад ёки зиёратгоҳ топилиши эҳтимолдан йироқ. Бироқ ҳозиргача уларнинг антропоморфик тасвирлари бизга фақат тангаларда маълум бўлиб, уларнинг аҳоли орасида қанчалик кенг тарқалганлиги ўрганилмаган.

Зартепа манзилгоҳининг буддавийлик диний иншоотида аниқланган иккита оташка (ёки оташка тутатқиси бор меҳроблар) га қараганда, Шимоли-ғарбий Бақтрияда буддавийлик динида ҳайкали топиниш билан биргаликда аҳолининг тоат-ибодатида тутатқи солинган олов ҳам муҳим ўрин тутган кўринади. Буддавийлик диний маросимларида олов кушонлар томонидан сулолавий культ мақсадларига мослаштирилган. Кушонлар даврида Шимоли-ғарбий Бақтрия оловга сиғиниш култи ўзининг аҳамиятини сақлаб қолганлиги археологик жиҳатдан аниқланган.

Далверзинтепа ўрнида фаолият юритган шаҳар аҳолисининг турли табақа вакиллариға тегишли уйларда оташгоҳлар мавжуд бўлган. Қоратепа ёдгорлигидаги буддавийлар ибодатхонасида оловни муқаддастлаштириш кушонлар сулоласи култининг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради. Буюк Кушонлар империяси ҳокимиятининг ҳукмдорлари томонида олов култи қўллаб-қувватланган.

Маълумки, зардуштийлик дини “Авесто” культлари негизида шаклланган бўлиб, узоқ асрлар давомида Ўрта Осиё халқларининг ҳукмрон дини бўлиб келган. Бақтриянинг македониялик Искандар томонидан забт этилиб, ўлканинг юнонларга қарам бўли қолганидан кейин зардуштийлик ақидалари аста-секин унутила бошлаган. Бақтрияда Селавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоликлари ҳукмронлиги даврида келиб чиқиши, аслида, юнонларга мансуб бўлган ҳокимият вакиллари Олимп маъбудларига сиғинган. Лекин маҳаллий аҳолининг амалдор ва нуфузли табақаси вакиллари диний дунёқарашида юнон маъбудлари қандай ўринга эга бўлганлиги тўғрисида аниқ фикр билдириш қийин. Аниқ айтиш мумкинки, аҳолининг асосий қуйи табақаси вакиллари орасида юнон маъбудларини қабул қилиш жуда қийин кечган, улар ўзларининг азалий диний дунёқараш тушунчаларини узоқ давр мобайнида сақлаб қолганлар. Шунга кўра, юнон давлатлари ҳукмронлиги даврида Шимолий Бақтрия аҳолисида зардуштийлик ва бошқа маҳаллий культларнинг мавқеи сезиларли даражада сақланиб қолган.

Зардуштийлик Бақтрияда фақат кушон-сосонийлар даврида кенг тарқалган. Зардуштийликни Шимоли-Бақтрияда сосоний ҳукмдорлари ва уларнинг зардуштий руҳонийлари олиб келишган. Улар сосоний руҳонийлигининг энг кўзга кўринган вакилларида бири сифатида Картир ўз ёзувларида: “Ҳақиқий эътиқодни таъкидлаган ҳолда “отлар ва одамлар... шоҳлар шоҳи етиб келди”. “Подшоҳлар подшосининг диний устози”, Сосонийлар давлатининг олий руҳонийси ва олий судяси унвонига эга бўлган Картир ўз даврида Сосонийлар Эронининг давлат дини қандай тарқалиб бораётганини шундай тасвирлайди: “Яҳудийлар, буддист руҳонийлар ҳам, ва браҳминлар, насронийлар ва насронийлар ва ҳоказо. (зардуштийлик ибодатхоналарида) худолар ва уларнинг турар жойларига айлантирилди. Кўп оловли ибодатхоналар ташкил этилган.

Сўнгги антик даврида Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида, Бақтрия христианлик ва манихейлик динлари тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотларни кам сонли ёзма манбаларда учратиш мумкин. Суриянинг “Мамлакат қонунлари китоби”да (милодий II-III аср охири) Кушон давлатидаги насроний аёли тилга олинган бўлиб, И.Марквартнинг уни Бақтрия худудида яшаган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирган.

Арман тарихчиси Егише ҳам Шопур II ҳукмронлиги даврида насронийликдини Эрондан Кушонлар мамлакатига, у ердан эса жанубга Ҳиндистонга тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар берган. Лекин ушбу маълумотлар асосида



насронийлик динлари фаолияти тўғрисида қатъий илми фикр билдириш қийин. Айниқса, “Мамлакат қонунлари китоби” ва “Руҳ мадҳияси”дан кушонлар давлати тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.

Археологик жиҳатдан мазкур динлар фаолияти тўғрисида аниқ маълумотлар, хусусан, ибодатхона қолдиқлар ёки ушбу динларга оид моддий ашёлар аниқланмаган. Қўшни Марғиённинг Эски Марв харобаларидан сўнгги антик даврига оид насронийлик дини ибодатхонасининг ўрни очилган, холос.

Кушон даврида Бақтрия ерларига манихейлик диний таълимотининг тарқалиши ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Ушбу диний таълимотнинг асосчиси Мани ўз вақтида Картирнинг сосонийлар саройига таъсирини шубҳа остига қўйган. Кўпгина тадқиқотлар олимлар Манининг ҳаётлик даврида (216–218-йилларда туғилган, 274 ёки 277-йилларда вафот этган) Кушонлар давлатининг чегарасидан унчалик узоқ бўлмаган ерда жойлашган қўшни Марвда унинг тарафдорларининг бўлганлиги тарихий жиҳатдан асосга эга. Шарқий Туркистондан топилган, манихийликнинг Шарқдаги биринчи ҳаворийси, фаолияти Маний ҳаётлигида бошланган Мар-Амога оид иккита манихий ҳужжати бу таълимотни Эроннинг шарқий чегараларидан ташқарига ёйиш истагидан далолат беради. Ушбу ҳужжатлардан бири Марвдан Земмга (замонавий Чаржов) миссионерларнинг жўнатилганига ишора қилади.

#### **ХУЛОСА**

Келтирилган маълумотлардан Кушонларнинг Шимолий-ғарбий Бақтрия худудидаги диний ҳаёти хилма-хил бўлганлигидан далолат беради. Ҳиндистоннинг турли диний оқимлари (шаивизм, ваишнавизм, жайнизм ва буддизм) Марказий Осиёга кириб келди. Шу ўринда ҳинд динлари ва культлари Марказий Осиёда Шарқий Эрондан кириб келган юнон худолари, зардуштийлик ва зардуштийликгача бўлган кўпгина маҳаллий культлар ва эрон кўчманчиларининг диний ғоялари билан учрашган.

Шимолий-ғарбий Бақтрияда Кушон ҳукмдорлари бу диний хилма-хиллик орасидан ўзларининг дунёқарашларига мос келадиган ва шоҳ ҳокимиятини мустаҳкамлайдиган худолар, диний ғоялар ва культ шакллари танлар эдилар.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Пугаченкова Г.А. Об одной группе терракотовых статуэток Тохаристана // Новое в Советской археологии. М., 1965, -С.148.
2. Мкртычев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии. – М.: ИКЦ «Академкнига», 2002. – С. 12–13.
3. Воробьева-Десятовская М.И. О терминах «Хинаяна» и «Махаяна» в ранней буддийской литературе // Буддизм История и Культура. – М.: Наука, 1989. – С. 74–83.
4. Очилдиев А., Раҳимжонов Д. ва б. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТИУ, – Б. 154–156.
5. Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И. Аджина-тепе. – М.: Искусство, 1971. – С. 112.
6. Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. – М.: ИВЛ, 1998. – С. 156-157.
7. Мкртычев Т.К. Буддизм в Термезе // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. – Ташкент: Шарқ, 2001. – С. 27–56.
8. Пидаев Ш.Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 18.

9. Аннаев Дж., Аннаев Т. Архитектурно-планировочная структура и датировка буддийского монастыря Фаязтепа // Традиции Востока и запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. – С. 53–54.
10. Пидаев Ш.Р. Тармита-Термез до 1221 г: генезис и эволюция города // Термез древний и новый город на перекрестке великих дорог. – Ташкент: Шарк. 2001. – С. 14–15.
11. Ртвеладзе Э.В. Термиз ва унинг Ўрта Осиёдаги аҳамияти // Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 10.
12. Зеймаль Т.И. Раскопки на северной вершине Кара-тепе (1985–1989) // Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе. – М.: ИВЛ, 1996. – С. 144.
13. Uzbekistan. Kushan Dynasty and Buddhism. – Seoul. National Research Institute of Cultural Heritage, 2013. – P. 219.
14. Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В. Открытие бактрийской монументальной надписи в Айртаме // ОНУ. 1981. – № 6.
15. Аннаев Ж.Т. История изучения буддийских памятников Северо-западной Бактрии-Тохаристана // Материалы международной научно-практической конференции: «Всемирная история: проблемы исследования и преподавания» посвященной 75-летию академика К.Н. Нурпеиса в рамках «Нурпеисовских чтений». – Алматы: 2010. – С. 230–234.
16. Аннаев Ж.Т. Новые предметы терракотовой пластики из Фаязтепа // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. – Тошкент: 2010. – С. 86–89.
17. Annaev J. Some total results of the research in Talitogora // Civilization of Amudariya in the system of World Culture. International scientific-practical conference. – Termez: 2014. – P. 31–33.
18. Annaev J. Expansion of Iran Sassanid in the Kushanian Bactria and the fate of Buddhist complexes Tarmita-Termez // Civilization of Amudariya in the system of World Culture. International scientific-practical conference. – Termez: 2014. – P. 37–38.
19. Jaloliddin Annaev. Age Determination of Buddhist cult complexes of Northwestern Bactria-Tokharistan // The American Journal of Social Science and Education Innovations. Vol. 03, Issue 06-03. 2021. – P. 19-26. (№ 23: Scientific Journal Impact Factor: 5.8)
20. Jaloliddin Annaev. History and culture of the Buddhist monuments of Bactria-Tokharistan // International journal of scientific & technology research. Vol. 9, Issue 04. 2020. – P. 1378–1381.
21. Sagdullaev A.S., Ochildiev F.B., Kholikulov A.B., Shaydullaev S.A., & Erkinovich T.J. (2020). Problems of cartography of ancient ethno-cultural processes in central asia. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(4), 745–748.
22. Haydarov Zuhridin. (2021). The Role Of The Department Of Archeology Of The National University Of Uzbekistan In The Study Of The Ancient And Medieval History Of The Tashkent Oasis. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 609–613. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue01-106>.
23. Очилдиев Ф.Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: Abu matbuon-konsalt. 55–108.

24. Ochildiev F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.

25. Мухамедов Ё. (2021). Чоч ҳукмдорлигининг сиёсий-маъмурий бошқаруви тарихшунослиги. In *Uzbek Conference Publishing Hub* (Vol. 1, No. 01. – PP. 508–512).